

МУНАҚҚИД ОЙБЕК ТАҚРИЗЛАРИ ХУСУСИДА

Шоира Ахмедова

Осиё халқаро университети профессори

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ифода этувчи тақризлари ҳақида фикр юритилади. Адабий танқиднинг оператив жанрларидан бири бўлган тақризнинг адаб ижодида тутган ўрни, уларда Ойбекнинг адабий жараёнга, ёзилаётган янги асарларга муносабати ҳақида мулоҳазалар ўртага ташланади.

Калит сўзлар: адабий танқид, тақриз, илмий-эстетик тафаккур, адаб, танқидий баҳо, мунаққид, адабий жараён.

Абстрактный. В статье рассматриваются литературно-критические взгляды узбекского народного писателя Ойбека. Рассматривается роль критики — одного из оперативных жанров литературной критики — в творчестве писателя, а также отношение Ойбека к литературному процессу и создаваемым новым произведениям.

Ключевые слова: литературная критика, рецензия, научно-эстетическое мышление, писатель, критическая оценка, критик, литературный процесс.

Abstract. The article examines the literary-critical views of the Uzbek national writer Oybek. The role of criticism - one of the operational genres of literary criticism - in the writer's work is considered, as well as Oybek's attitude to the literary process and the new works being created.

Keywords: literary criticism, review, scientific and aesthetic thinking, writer, critical assessment, critic, literary process.

Кириш. Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган, ҳозиржавоб тақриз жанри кенг халқ оммасига қарата ёзилади. Чунки тақризда илмий - эстетик таҳлил ихчам, сиқиқ шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади. Шунинг учун тақриз айрим танқидчилар айтиётганидек, фақат кутиб олувчи жанр эмас. Балки бу жанр ҳам бир асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни баҳолай оладиган эстетик хусусиятга эгадир. Муайян асарнинг таҳлили орқали тақриз ҳаёт ҳақиқатини очиб, китобхонга бадиий асарнинг қандай бўлиши ҳақида тасаввур бера олади. "Тақриз - ҳам санъат, шунинг учун уни шундай ёзиш керакки, китобхон тақризчи билан мулоқотда бўлганидан қониқиши ҳис этсин" [Яновский. 1962: С.41].

"Бу жанр яна шуниси билан характерлики, кенг жамоатчиликнинг янги асарни қандай қабул қилиши ҳам маълум жиҳатдан уни баҳолаган, таҳлил қилган тақризга боғлиқ. Албатта, бу қонуният тусига кирган ҳодиса эмас. Аммо ҳаққоний тақриз янги асар ҳақида жамоатчилик фикрининг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Негаки, тақризчи асарнинг моҳиятини илмий - эстетик таҳлил воситасида ёритиши сабабли у китобхоннинг дунёқарашига таъсир қилиб, тасаввурини бойитишга хизмат қиласди" [Ахмедова.2009: 86].

Тақриз ёзаётган танқидчи, биринчидан, танқидчи илмий тафаккурни бадиий тафаккур билан қўша билмоғи, иккинчидан, тақриз қилинаётган асарга ихлос ва меҳр билан ёндашиши, санъатнинг ўзига хослигини англай олиши ва чуқур ижодий изланиши шарт, шундагина ҳақиқий тақриз яратилиши мумкин. Тақризчи бу хилдаги изланишлари натижасини сиқиқ, оригинал шаклда- ўша таҳлил қилинаётган асар моҳиятининг бутун сир-асорини очиб берадиган шаклда баён қилмоғи лозим. Буларга риоя қилинмаса, маълум бир асарларга оид тақриз бўш чиқади-да, у ҳар хил бадиий асарларга нисбатан бир-бирига яқин баҳолар, камчилик ва нуқсонлар қайдномасига айланиб қолаверади. Бу эса танқидчининг ижодий изланишини йўққа чиқаради ва тақризни бир қолипга мубтало қиласи. Шакл ва мазмун диалектикасининг қўпол равишда бузилишига ва бир-бирига ўхшайдиган танқидий асарларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Асосий қисм. Ўзбек адабиётида "Ўтган қунлар", "Сароб", "Навоий" , "Улугбек" , "Чинор" сингари асарлар тилга олиниши билан уларга биринчи бўлиб муносабат билдирган, маълум маънода уларни баъзан ҳимоя қилган танқидчилар ҳақида гапиришга тўғри келади. Бу романларни теран таҳлил этган, ҳақ гапни ўзларидаги гўзаллик туйғуси билан омухта қилиб айтган мунаққидларнинг номи ҳамиша ҳалқимиз қалбida яшайди. М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Н.Худойберганов каби истеъдодли танқидчиларнинг айрим роман ва қиссалар ҳақидаги тақризлари намуна бўладиган асарлар сирасига киради.

Баъзи ёзувчилар ёзган айрим тақризлар ҳақида ҳам бу фикрни айтиш мумкин. Ҳалқимизнинг севимли ёзувчиси Ойбек шеърий, насрый, драматик асарлар ёзиш билан бир қаторда адабий танқидчи сифатида адабий жараённи ҳам фаол кузатиб борганини кўриш мумкин. Унинг ижодида адабий танқиднинг тақриз, адабий-танқидий мақола ва унинг обзор, муаммоли ва баҳс характеридаги турлари, портрет-мақола, илмий-биографик мазмундаги асарлар, йирик монографик тадқиқот каби жанрлари учрайди. Гарчанд Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш 70- 80-йиллардан (О.Шарафиддинов, Б.Назаров) бошланган бўлса-да, унинг адабий-танқидий меросини шакл нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги кунда ойбекшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу эса улкан адабнинг шахс ва ижодкор сифатидаги бир бутун қиёфасини тадқиқ этишда жуда зарурлигини намоён этади.

Муҳокама. Ойбекнинг тақризларини кузатар эканмиз, унинг адабий жараёнда пайдо бўлган бадиий, илмий, назарий характердаги асарларга муносабат билдирганини кўринади. Масалан, XX асрнинг 20-йилларидаёқ фаол мунаққидлардан бири сифатида Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмасига биринчилардан бўлиб тақриз ёзган эди. Бу тақриз энг аввало, ҳозиржавоблиги («Қизил Ўзбекистон», 1926 йил 3 декабрь), ихчамлиги, асарга холисона муносабат билдириши, ҳажман қисқалиги, асарнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсата олганлиги билан маълум аҳамиятга эга. Ойбек тақризда ушбу ўқув қўлланмасининг зарурлигини тўғри кўрсатади. Ойбек китобни "ҳозирги адабий ҳаётимизнинг суст даврида муҳим бир нарса", -деб баҳолайди. Ундаги материаллар системали тузилганини, қоидаларни тушунтиришга ҳозирги замон шоирларининг

асарлари билан чекланмай, салафларимиз асарларидан ҳам мисоллар берилганини маъқуллайди. Асарнинг яна бир хусусияти—"адиб Фитратнинг жозиб, гўзал услуби" эканини таъкидлайди. Кейин "китобнинг кўпгина камчиликлари"га тўхтайди.

Бироқ Ойбек Фитратнинг санъатга оид таърифидаги жиддий нуқсон "санъат ва адабиётга бу кунги кўз билан (марксчиларча) қарамаган"ликда, марксистча ижтимоий таҳлил йўқлигига" деб танқид қиласди. Бу фикр такриз ёзилган ўша даврдаги замонасозлик руҳига тўғри келса-да, мустақиллик мафкураси Фитратнинг тўғри йўлдан борганлигини кўрсатди. Бунда тақризчини айлаш бирёқламаликка олиб келади, албатта. Чунки адабиётга синфийлик нуқтаи назаридан баҳо бериш ўша давр учун хос бўлиб, барқарорлашаётган "фазилат"га айланаётган эди. Ойбек тақризининг ўша давр учун ҳам, бугунги кун учун ҳам аҳамияти шундаки, унда Фитрат китобининг ижобий томонлари, ютуқлари тўғри кўрсатилади. Унинг адабий жараёнда тутган ўрни тақризга хос сиқиқлик билан ихчам шаклда баён этилади.

Ойбекнинг адабий танқидчилик жанрлари ичida энг кўп мурожаат қилгани тақризлар ва мақолалардир. У бу жанрларнинг талабларини яхши билган ҳолда қалам тебратади. Тақризлар адабнинг адабий жараённинг сергак кузатувчиси ва иштирокчиси бўлганлигини тасдиқлайди. Шу боис уларни ёзилган даври ва моҳияти, мазмунига кўра икки гурухга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўз даврида муҳим аҳамият касб этган эса-да, бугунги қунда ўша даврни ўрганишгагина манба бўлган тақризлар.
2. Ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини, замонавийлигини йўқотмаган, долзарблиги, қўйилган муаммонинг илмий ва аниқ ҳал этилиши билан ажralиб турувчи тақризлар.

Биринчи гурухга мансуб тақризлар моҳиятан улардаги қарашлар эскирган бўлса-да, бугун шакл нуқтаи назаридан Ойбекнинг танқидий маҳоратини ўрганишда ҳали ҳам хизмат қила олади. Чунончи, Ҳусайн Шамснинг «Ҳукуқ» романига бағишлиланган тақриз жанр талаблари асосида ёзилган: ҳажман қисқа, янги асарга берилган баҳонинг аниқлиги ва холислиги, ҳозиржавоблиги, тузилишидаги мукаммаллик билан диққатга сазовор. Тақризда асарнинг гояси тўғри кўрсатилади, асосий образларга баҳо берилади. Асарнинг бадиий салмоғи беш қисмга бўлинган ҳолда очиб кўрсатилади, камчиликлари очиқ баён этилади. Романи нашр этиш олдидан Ойбекка беришган бўлса керак, у камчиликларини тузатгач, нашр этиш мумкин деган тавсия беради.

Ойбекнинг талабчанлиги шунда кўринадики, ёзувчи кўрсатилган камчиликларнинг кўпчилигини тузатади, буни қайтиб кўргандан кейин ҳам, у асарни «сиёсий ва адабий жиҳатдан жуда асосли қилиб таҳрирдан ўтказиш»ни, кейингина нашр этишини тавсия қиласди. Тақризда Ойбек романга давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради, унинг ютуқ ва нуқсонларини кўрсатади, асарнинг савиясини ошириш учун ёзувчига ҳам маслаҳатлар беради. Бу эса Ойбекнинг тақризи ўз вазифасини бажарганлигини ёрқин намоён этиб турибди.

Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» ва Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асарларига ёзилган тақризлар ҳам шу гурухга мансуб.

Иккинчи гурухга мансуб тақризлардан бири М.Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмаси

ҳақида бўлиб, уни Ойбек Ғ.Улом билан биргаликда ёзган. Ойбекнинг «бадиий таланти илмий салоҳиятдан озиқ олди, илмий тафаккури эса бадиий таланти хужайралари нафаси билан мустаҳкамланди» [Назаров. 1985: 43]. Ҳақиқатан ҳам драма ҳақидаги тақризни ўқир экансиз, Ойбекнинг илмий-бадиий тафаккури бадиият чашмаларидан тўлиқ сугорилганлигидан ҳайратга тушасиз. Ундаги самимийлик, фикрнинг ҳис ва туйғуга бой эканлиги китобхон диққатини ўзига тортиб, тақризни ўқимишли қилишга ёрдам берган. Шу билан бирга тақриз ижодкорларнинг ҳассос қалбини қўрсата олишнинг, ҳақиқий бадиий асаддаги гўзалликни ҳис эта билиш истеъодининг, уни сўзда намоён этиш талантининг ёрқин намунасидир.

Тақриз тарихга назар солиш орқали бошланган тақризда Жалолиддин Мангубердининг тарих олдидаги буюк хизматларига баҳо берилади [Ойбек.1979: 224].

Тақриз драманинг саҳнага қўйилиши муносабати билан ёзилган. Унда драматургнинг маҳоратига тан берилади. «Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлади. Бу қаҳрамонликнинг жонли руҳи- Жалолиддин» [Ойбек.1979: 225]. Драмадаги Жалолиддин, Султонбегим, Темур Малик образлари ҳақидаги фикрлар бадиий бўёққа ўраб берилганлиги, жозибаси билан кишини ўзига мафтун қиласди. Шунинг учун бу тақриз бадиий асар каби ўқиласди. Унинг тили содда, шу билан бирга нафис ва халқчил, самимий, эҳтиросга бой. Унинг жозибадорлигини оширган фазилатлар: а) тарих билан муқояса қилиш орқали тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланганлигини очиб бериш; б) драмани тўғри ва холис баҳолаш; в) драманинг саҳнага қўйилиши ва унинг муваффақиятидан мамнунлик ҳисси билан тўлиқ тақриз бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, « Жалолиддин» ҳақидаги тақриз ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан жуда юқори савияда ёзилган. Ойбек тақризларига хос ихчамлик, шакл ва мазмуннинг ўйғунлиги, илмийлик ва бадиийликнинг ўзаро омухтаси, тилининг жозибадорлигидан ёш адабиётшунослар, танқидчилар бугун ҳам, келажакда ҳам кўп нарсани ўргана оладилар, баҳра ола биладилар. Ойбекнинг адабий-танқидий мақолалари, йирик монографик тадқиқотлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент. “Фан”. 2009.
2. Ахмедова Ш. Портрет-мақола жанри ривожи (Ойбек ижоди мисолида) //Journal of new century innovations. – 2024. – Т. 53. – №. 2. – С. 99-104.
3. Ахмедова, Ш. Н., and Д. Т. Назарова. Адабий портретнависликда маҳорат масаласи. *Conference on the role and importance of science in the modern world*. Vol. 1. No. 4. 2024.
4. Akhmedova, Shoira, and Sofiya Mahmudova. "ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL BIOGRAPHICAL ESSAY." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.7 (2022): 795-799.

5. Ахмедова Ш. Н. Хуршид Давроннинг адабий–эстетик қарашлари: //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6.2. Maxsus сон. – С. 20-28.

6.Ахмедова, Шоира Нематова. "Прогресс портретописания в период глобализации в литературоведении." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (2019): 12-14.

7.Назаров Б. Ҳаётийлик- безавол мезон. Тошкент. «Ёш гвардия». 1985.

8. Назаров Б.,Расулов А.,Ахмедова Ш.,Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. Тошкент. 2012. 220-бет.

9.Nematovna, Akhmedova Shoira, Kadyrova Nasima Saidburkhonovna, and Kurbanova Oltinoy Bekmurodovna. "Methodology and skills problems." *The journal of contemporary issues in business and government* 27.5 (2021): 778-784.

10.Nematovna, Akhmedova Shoira. "Genre of literary portrait in the works of Alisher Navai." *scientific reports of bukhara state university научный вестник Бухарского государственного университета*: 127.

11.Nematovna, Akhmedova Shoira. "Genre of literary portrait in the works of alisher navai." *scientific reports of bukhara state university/Научный вестник*" БухГУ: 127

12. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик.16-том. Т.: Фан,1979.

13. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. Т.: 1979.

14. Яновский Н. Требование времени//Вопросы литературы.1962. №8.